

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ
ОРГАНЛАР ВАКОЛАТЛАРИ

Саидов Муҳаммадхон Саидали ўғли

Бойсун тумани ИИБ ТҚХ ТҚКГ тезкор вакили.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18280779>

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида терроризмга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатлари ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Амалдаги қонунчилик нормалари, давлат органлари ўртасидаги ваколатлар тақсимооти ҳамда уларнинг амалий қўлланилиши ўрганилган. Шунингдек, терроризмга қарши кураш жараёнида инсон ҳуқуқлари ва қонунийликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этишга қаратилган илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: терроризм, терроризмга қарши кураш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ваколатлар, миллий хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари.

Аннотация. В статье анализируются правовые полномочия правоохранительных органов Республики Узбекистан в сфере противодействия терроризму. Исследуются нормы действующего законодательства, распределение компетенций между государственными органами, а также особенности их практической реализации. Особое внимание уделено вопросам соблюдения прав и свобод человека при осуществлении антитеррористических мер, а также выработке научно-практических рекомендаций по совершенствованию правового механизма борьбы с терроризмом.

Ключевые слова: терроризм, противодействие терроризму, правоохранительные органы, полномочия, национальная безопасность, права человека.

Abstract. This article examines the legal powers of law enforcement agencies of the Republic of Uzbekistan in combating terrorism. The study analyzes the current legal framework, the distribution of competencies among state authorities, and the practical implementation of counter-terrorism measures. Particular attention is paid to ensuring the protection of human rights and the rule of law in the process of countering terrorism. The article also proposes scientific and practical recommendations aimed at improving the effectiveness of law enforcement activities in this field.

Keywords: terrorism, counter-terrorism, law enforcement agencies, legal powers, national security, human rights.

Бугунги глобаллашув шароитида терроризм жамият хавфсизлиги, давлат суверенитети ҳамда инсон ҳуқуқларига жиддий таҳдид солувчи энг хавфли жиноий ҳодисалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Терроризмнинг трансмиллий хусусият касб этиши, унинг муайян давлат ҳудуди билан чекланиб қолмасдан, минтакавий ва халқаро барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши ушбу муаммога қарши курашишни ҳар бир давлат учун устувор вазифа сифатида белгилашни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларидан буён жамият хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар тинчлиги ва барқарорлигини сақлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, терроризмга қарши кураш соҳасида мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база шакллантирилиб, давлат органлари ўртасида ваколатлар аниқ тақсимланган. Бу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар терроризмнинг олдини олиш, уни аниқлаш, бартараф этиш ва унга алоқадор жиноятларни фош қилишда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Айни пайтда, терроризмга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатлари қонунчиликда белгилаб қўйилган бўлса-да, уларни амалга ошириш механизми, ваколатлар доираси ва чекловлари, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш масалалари чуқур илмий таҳлилни талаб этмоқда. Амалиёт шунини кўрсатадики, терроризмга қарши чора-тадбирлар самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу органлар ваколатларининг аниқ, мутаносиб ва қонуний қўлланилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида терроризмга қарши кураш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти мустаҳкам норматив-ҳуқуқий базага таянади. Хусусан, 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ҳамда қонуности норматив ҳужжатлар ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади. Мазкур ҳужжатларда терроризмнинг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва оқибатларини камайтиришда ваколатли органларнинг вазифа ҳамда ҳуқуқлари белгилаб берилган.

Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти белгиланган.

Шу билан бирга, терроризмга қарши курашда иштирок этувчи давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишни таъминлаш Давлат хавфсизлик хизмати зиммасига юклатилган.

Хусусан, Давлат хавфсизлик хизматининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари қуйидагиларни камраб олади: террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш; террорчилар, террорчилик гуруҳлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш; давлат чегараси орқали қурол-яроғ, портловчи, радиоактив, биологик ёки кимёвий моддаларнинг ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш; чегара олди ҳудудларда террорчиларни аниқлаш ва зарарсизлантириш; алоҳида муҳим ва категорияланган объектларни ҳамда давлат муассасаларини ҳимоя қилиш; халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги терроризмга қарши кураш соҳасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, алоҳида муҳим объектларни кўриқлаш, террорчилик фаолиятига алоқадор шахслар тўғрисида ахборот тўплаш ва тегишли органларга тақдим этиш каби ваколатларга эга.

Таҳлил шунини кўрсатадики, терроризмга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатларини амалга оширишда қуйидаги муаммолар мавжуд:

айрим ҳолларда ваколатлар кесишуви ёки уларнинг аниқ чегараланмаганлиги;

тезкор-кидирув ва процессуал чоралар қўлланишида инсон ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш муаммолари;

идоралараро ахборот алмашинуви механизмларини янада такомиллаштириш зарурати;

профилактика ишларига нисбатан репрессив чораларнинг устунлик қилиши.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги илмий-амалий таклифларни илгари суриш мумкин:

Терроризмга қарши курашда давлат органлари ваколатларини янада аниқлаштириш ва улар ўртасидаги вазифаларни қатъий чегаралаш.

Терроризмга қарши чора-тадбирларни қўллашда пропорционаллик ва зарурият принципларини қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш.

Суд ва прокурорлик назорати механизмларини кучайтириш орқали инсон ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш.

Профилактика ва маърифий чора-тадбирларни кучайтириш орқали терроризмнинг илдизига қарши курашиш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида терроризмга қарши кураш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатлари мустаҳкам норматив-ҳуқуқий асосга эга бўлиб, улар жамият хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ мазкур ваколатларни амалга оширишда қонунийлик, инсон ҳуқуқлари ва самарадорлик ўртасида мувозанатни таъминлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Шу боис, терроризмга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш, улар ваколатларини аниқ ва шаффоф қўллаш орқали миллий хавфсизликни таъминлашга эришиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, 2024.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотномаси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотномаси.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни (2000 йил 15 декабр).
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” 2021 йил 27 ноябрдаги 32-сонли қарори // www.sud.uz.